

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

САДУЛЛАЕВ БАХОДИР БАХТИЁРОВИЧ

**ЎЙИНЛАР ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ДЎСТОНА
МУНОСАБАТЛАРГА АСОСЛАНГАН ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК
КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Садуллаев Баходир Бахтиёрович

Ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган
ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш тизими.....3

Садуллаев Баходир Бахтиёрович

Система развития навыков социального сотрудничества учащихся,
основанных на дружеских отношениях, посредством игр.....23

Sadullayev Bakhodir Bakhtiyorovich

The development system of the skills of social cooperation of students based on
friendly relations in through games.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

САДУЛЛАЕВ БАХОДИР БАХТИЁРОВИЧ

**ЎЙИНЛАР ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ДЎСТОНА
МУНОСАБАТЛАРГА АСОСЛАНГАН ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК
КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Ped142 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Маъмуров Баходир Бахшуллоевич**
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Чориев Абдушукур Чориевич**
педагогика фанлари доктори, профессор

Ахмедов Фурқат Қўлдошевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

Н.Ш.Шодиев
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида таълим жараёнларини субъектларнинг ўзаро ижтимоий ҳамкорлиги ҳамда дўстона муносабатлар негизига қуриш, бунда ўйинли вазиятларнинг мураккаб ижтимоий-маданий ҳамда дидактик ҳодиса сифатида ўқув фаоллиги ва натижадорлигига таъсирдан самарали фойдаланиш тенденциялари мавжуд. Илғор таълим муассасалари томонидан билиш фаолиятида ўйинлар болалар ҳаётининг универсал таркибий қисми эканлиги, педагогик қиймати, эркинлиги ва ихтиёрийлиги эътироф этилиб, ўйинлар машғулотларнинг амалий йўналганлик имкониятлари ва сифат кафолатини ошириш воситаси ҳисобланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда турли ўйинларнинг моддий борлиқни тасаввур қилиш, уни ҳис этиш кўникмаларини ошириш, билиш, ижод қилиш, маънавий-интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришга таъсири, ўйин сюжети ва ҳаракатнинг муайян қонуниятлари, ички мураккабликларига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда ўйинлар тайёр ва қатъий қоидаларга асосланган, эркин ва аралаш шакллар бўйича гуруҳлаштирилиб, уларнинг ижтимоий муносабатлар, жамият аъзолари учун қадрли бўлган фикрлар ва қадриятларни ўзлаштириш, ҳамкорлик фаолиятларни ривожлантириш хусусиятлари очиб берилган.

Мамлакатимизда таълим тизимини ижодий ва ижтимоий фаолликка, мустақил равишда истиқбол вазифаларини ҳал этишга қодир янги авлодини камол топтириш, халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари, миллий маданий-тарихий анъаналар асосида ташкил этиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада, юрт истиқболи учун масъулиятли, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялашга йўналтирилган ноанъанавий педагогик ёндашувлар, шахсга йўналтирилган таълим технологиялардан фойдаланиш салмоғи ортиб бормоқда. Шу билан бирга ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш жараёнида ўйинлар интеграциясини кенгайтириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ каби вазифалар белгиланиб, бу борада таълим жараёнида ўйинлардан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари, йўллари, усуллари ва шарт-шароитларини аниқлаштириш, ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбир тўғрисида”ги ПҚ-3138-сон, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўйин воситасида ўқувчиларни ривожлантириш, таълим самарадорлигини ошириш муаммосига мутахассислар алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. Жумладан, Республикамиз олимларидан М.Абдуллажонова, Б.Р.Адилов, А.Я.Бобомуродова, М.Г.Давлетшин, О.Жамолдинова, Б.Зиёмухамедов, Г.Ибрагимова, Р.Ишмухамедов, У.И.Маҳкамов, М.Х.Маҳмудов, О.Мусурмонова, З.Т.Нишонова, Р.Г.Сафарова, Д.Шарипова Ш.Шарипов, Н.М.Эгамбердиева, Т.Ғаффорова, Э.Ғозиев кабиларнинг ишларида бу ўз ифодасини топди.

Ўйин назарияси кўплаб педагоглар ва педагогик фикр намоёндалари томонидан ҳам ўрганилган. Жумладан, МДХ олимларидан Н.В.Абанина, И.Г.Абрамова, Н.П.Аникеева, Р.С.Аппатова, Е.И.Балакирева, Э.Берн, В.М.Букатов, Л.П. Бистрова, Т.А.Волкова, О.С.Газман, В.П.Гашкова, Г.В.Девяткина, И.Ивакина, Д.Н.Кавтарадзе, Г.Г.Калаева, И.Е.Колесникова, Н.Г.Кравченко, О.Н.Крилова, Г.К.Крюкова, В.И.Кувшинов, И.В.Кучерук, Н.В.Лебедева, О.Л.Лившиц, А.Н.Леонтьев, Е.Д.Матрон, Л.Н.Матросова, О.Д.Минаков, Р.М.Миронова, Г.Н.Назаренкова, В.Д.Пономарев, Э.Н.Савельева, Л.А.Сажко, Е.А.Стрелкова, А.И.Тимонин, Л.Х.Цеева, Д.В.Эльконин, М.Г.Яновская кабиларнинг ишлари бунга мисол бўла олади.

Мутахассислар ўйинларнинг турли белгиларига асосланган ҳолда таснифлаганлар. Жумладан, хорижлик олимлардан A.Yolanda, N.Nicotera, A.Christopher, L.Botcheva, J.Shih, L.C.Huffman, L.D.Breeman, van Lier, Theo Wubbels, R.Sears, J.L.Spilt, E.Vervoort, A.Koenen, F.Clemente, A.Amutio, L.Gonzalezлар ўйиннинг мақсади, унда иштирокчиларнинг сони, объектив борлиқни ифодалаш характерига кўра сюжетли, ролли, ишчан, имитацион ҳамда драматик ўйинларни ажратган.

Ўйинлар юзасидан турли соҳа олимлари томонидан илмий ишлар олиб борилган бўлса-да, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларда ўйинлар воситасида дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараёни илмий асослаш ҳамда махсус тадқиқ этиш заруратининг сақланиб қолаётганлиги бу борада чуқур илмий ёндашувлар, янги билимларга бўлган эҳтиёж билан белгиланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф1-ХТ-1-31247 – “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” (2012-2016 йй.) номли фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг дидактик имкониятларини аниқлаш ҳамда мазкур жараёни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд педагогик-психологик манбаларни ўрганиш асосида ўйинларнинг дидактик аҳамиятини асослаш;

ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш;

таълим жараёнида ўйинлардан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари, йўллари, усуллари ва шарт-шароитларини аниқлаш;

таълим жараёнида ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатлар ва ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлик даражасини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўйинлар ёрдамида ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Бухоро, Навоий, Наманган, Тошкент вилоятларидаги 12 та мактабнинг 1548 нафар ўқувчи ва 118 нафар ўқитувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети – ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнида дидактик ўйинлардан фойдаланиш йўллари, усуллари ва шарт-шароитлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий таҳлил, кузатиш, ижтимоий сўров, ўрганиш, умумлаштириш, ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилиш, педагогик прогностика, педагогик ташхислаш, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган

ўйинларнинг педагогик хусусиятлари (ўргатиш, муносабатга киритиш, шакллантириш, баҳолаш, ишонтириш каби) дидактик таснифий тузилмани (шаклий, таркибий, имкониятли) киритиш асосида аниқлаштирилган;

ижтимоий ўйинларнинг таркибий ташкил этувчи (турлар, кўрсаткичлар, алгоритмик босқичлар, ўқув синфлари) элементлари мазмуни ўйин гуруҳлари (касбий, ролли, вазиятли, имитацион) моҳиятини очиб бериш асосида такомиллаштирилган;

ўйинлар воситасида ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув жараёнлари ўқитувчининг фаолият функцияларини (инструкторлик, кузатувчилик, кўллаб-қувватловчилик, бошқарувчилик) белгилаш асосида такомиллаштирилган;

ўзини ўзи ривожлантириш, миллий ва умуммаданий таянч компетенцияларга ишчан ўйинларнинг дидактик таъсирини баҳолаш мезони блиц-интервью, мунозара, муаммоли таҳлил натижаларига кўра индикаторларни ажратиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

дидактик ўйинлар ижтимоий-педагогик хусусиятларига кўра таснифланган;

ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатлар ва ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнининг мазмуни ва уни ташкил этиш тамойиллари аниқланган;

ўқувчиларда ўйинлар воситасида дўстона муносабатлар ва ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришнинг йўллари, усуллари ва педагогик шарт-шароитлари ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим мактабларида ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш жараёнини ўқув-услугий жиҳатдан такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогика фани ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатлар ва ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга оид назарий ёндашувлар ва илмий-методик тавсиялар билан бойитилганлиги, шунингдек, ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатлар ва ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш йўллари, усуллари, шарт-шароитлари ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогика назарияси курси, оила педагогикаси, тарбиявий ишлар назарияси ва методикаси

курслари мазмунини бойитишда, малака ошириш курслари дастурларини такомиллаштиришда, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва мактаб психологлари иш тажрибасини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ўзини ўзи ривожлантириш, миллий ва умуммаданий таянч компетенциялар, ишчан ўйинларнинг дидактик таъсирини баҳолаш мезони, блиц-интервью, мунозара, муаммоли таҳлил натижаларига кўра индикаторларни ажратишга оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари”да белгиланган фаол фуқаролик таянч компетенцияларни шакллантиришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 мартдаги 01-02/2-2-78-сонли маълумотномаси). Натижада ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён такомиллаштирилган;

ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ўйинларнинг педагогик хусусиятлари (ўргатиш, муносабатга киритиш, шакллантириш, баҳолаш, ишонтириш каби), дидактик таснифий тузилма (шаклий, таркибий, имкониятли), ижтимоий ўйинларнинг таркибий ташкил этувчи элементлари мазмуни, ўйин гуруҳлари (касбий, ролли, вазиятли, имитацион) моҳиятига оид таклифларидан Ф1-ХТ-1-55237-рақамли “Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари” мавзусидаги (2012-2016 йиллар) ҳамда Ф1-ХТ-1-31247-рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” мавзусидаги (2012-2016 йиллар) фундаментал лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 мартдаги 01-02/2-2-78-сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳалар доирасида ишлаб чиқилган илмий ишланмалар “Педагогика” энциклопедиясини тайёрлаш, ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантиришнинг илмий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўйинлар воситасида ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув жараёнлари, ўқитувчининг фаолият функцияларига (инструкторлик, кузатувчилик, қўллаб-қувватловчилик, бошқарувчилик) доир таклифлари 2017 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3138-сонли “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбир тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашда фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, мактаб психологи, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ёшлар етакчиси фаолиятини ташкил этишга муайян даражада хизмат қилган

(Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 мартдаги 01-02/2-2-78-сонли маълумотномаси). Натижада, ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожланганлигини белгиловчи индикаторлар таркиби давлат ижтимоий буюртмасига мувофиқ фаол фуқаролик, ўзини ўзи ривожлантириш, миллий ва умуммаданий таянч компетенциялар асосида аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика ва 2 та халқаро форум ҳамда илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий ишлар, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўқувчиларда дўстона муносабатлар ва ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришда ўйинлардан фойдаланишнинг назарий-эмперик асослари”** деб номланиб, унда дидактик ўйинларнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари ва уларнинг таснифи, ўйинларнинг ўқувчиларга педагогик-психологик таъсири ҳақида фикр баён этилган.

Ўқув жараёни тўғри ташкил этилгандагина ўқувчиларни билим олиш ва ҳамкорлик қилишга руҳлантириш мумкин. Ўқувчиларни таажжублантириш, уларни ўқув материалларини ўзлаштиришга қизиқтириш ва онгли тарзда яратувчиликка ундашда ўйинлар алоҳида аҳамиятга эга. Ўйинлар ва ўйинларга асосланган ўқув машғулоти кутилган самарадорликка эришиш имкониятини бериши учун уларни амалга ошириш жараёнида қандай вазифаларни ечиш мумкинлиги педагогик жиҳатдан тўғри белгиланиши лозим. Бундай ўйинларни ташкил этишни имкон қадар бошланғич синфлардан бошлаш лозим. Педагоглар ҳамда психологларнинг таъкидлашича, ўқувчининг ўзи қизиқмаса, эгаллаган билимлари унинг ҳиссиётларига ижобий таъсир кўрсатмайди ва интеллектуал жиҳатдан

ривожлантиришга хизмат қилмайди. Шунингдек, ўқувчилар мазкур билимларни ўзлаштириш жараёнида синфдошлари билан манфаатли ҳамкорлик ўрната олмайди.


Ўйин – ўқувчиларни билиш, ижод қилиш, маънавий-интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш воситасидир. Ўйин ёрдамида ўқувчилар олдига янги олам очилади. Ўйиндан фойдаланмай, ўқувчиларни тўлақонли ривожлантириш имконсиздир. Ўйин жараёнида ўқувчилар ўзаро муносабатлар тизимини ўзлаштириб, ҳамкорликка киришади, ривожланади, шахс сифатида шаклланади. Ўйин мураккаб ижтимоий-маданий ҳамда дидактик ҳодиса сифатида алоҳида қимматга эга бўлиб, кўплаб фалсафий-маданий, педагогик-психологик тадқиқотлар объекти бўлган. Ўқувчилар орасида мулоқот ўрнатишда ўйинлар алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг мураккаблиги педагогик жараёнда ўйин фаолиятининг ўзига хослиги билан белгиланади. Ўйинларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида уларнинг алоҳида педагогик қимматга эгаллиги, эркинлиги ва ихтиёрийлиги эътироф этилади. Ўйинлар амалий йўналтирилган бўлиб, кафолатланган натижа олишга хизмат қилиши билан алоҳида педагогик қимматга эга.

Ўйинлар кўп вазифали бўлиши билан бир қаторда турли-туман мазмун ва кўринишга эгаллиги билан ҳам ажралиб туради. Ўйинларни таснифлашга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. Уларнинг асосий қисми ўйинларнинг мавжуд қисмларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган. Кўплаб мутахассислар ўйинларни учта катта гуруҳларга бўлиб тавсифлашга уринган: тайёр ва қатъий қоидаларга асосланган ўйинлар; қоидалари айнан ўйин жараёнининг ўзида шакллантириладиган эркин ўйинлар, қисман қатъий ва қисман ўйин жараёнида шаклланадиган қоидаларга асосланадиган ўйинлар.

Бироқ юқоридаги кўрсаткичлар шартли характерга эга бўлиб, ҳар бир ўйин жараёнига ижодий ёндашиш имконияти мавжуд. Бу жараёнда иштирокчилар муайян қоидаларга амал қилиши талаб этилади. Ўйиннинг мустақил шакллари сифатида қуйидаги гуруҳларни ажратиш кўрсатиш мумкин: барча турдаги болалар ўйинлари; байрам ўйинлари; халқ ўйинлари; театрлаштирилган ўйин ҳаракатлари; ўйин тренинглари ва машқлари; ўйин шаклидаги сўровномалар ва тестлар; бадиҳагўйликка асосланган ўйинлар; мусобақалар, баҳс-мунозаралар, қарама-қарши курашлар, рақобатлашишга асосланган ўйинлар, танловлар, эстафеталар; тўй анъаналари, ўйинга асосланган урф-одатлар; алдаш йўли билан ўйналадиган ўйинлар, ютуқли ўйинлар, совринли ўйинлар; карнаваллар, ўйин шаклидаги кимошди савдолари ва ш.к.

Ўйинлар жараёнида ўқувчилар ўзларига дўстлар, шериклар, яқин ҳамфикрлар танлаш имкониятига эга бўлади. Ўйиннинг ижтимоий-педагогик аҳамияти айнан шунда намоён бўлади. Ўқитувчи ўз мақсадига эришиш учун ўқув жараёни ва ўйин фаолияти орасида қарама-қаршилик бўлмаслиги лозим. Ўқув жараёни ўзининг мазмуни ва шаклларига кўра ўқувчи учун зерикарли, уни бездирувчи ҳодиса бўлмаслиги керак. Дидактик жараён сифатида ўйин таркибига қуйидагилар қиради: ўйин иштирокчилари ўз зиммаларига олган роллар; мазкур ролларни амалга оширишга хизмат қиладиган ўйин

ҳаракатлари; ўйин жараёнида ҳаракатларни бажаришга кўмаклашадиган буюмлар; ўйин жараёни субъектлари орасидаги аниқ ҳаракатлар; ўйиннинг мазмуни, яъни сюжети, унда шартли тарзда ифодаланган ҳаққоний, ҳаётий воқелик. Ўйинлар жараёнида ўқувчилар босқичма-босқич ахлоқий меъёрларни ўзлаштиради, ҳаракатларни бажариш учун масъуллик кўникмалари таркиб топади (1-расм).



1-расм. Ўйинларнинг хусусиятларига кўра таснифи

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш тизимининг дидактик имкониятлари**” деб номланиб, унда ўйинлар ёрдамида ташкил этиладиган мунозаралар жараёнида ўқувчиларни ўзаро ҳамкорликка тайёрлаш, ўйинларнинг ўқувчилар орасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни шакллантиришдаги педагогик имкониятлари очиб берилган.

Ўйинлар иккита муҳим хусусиятга эга: а) ўйин иштирокчиларининг оғзаки нутқини ривожлантириш; б) муайян вазиятларни моҳиятини идрок этишга ўқувчиларни одатлантириш. Ўқувчиларда бундай кўникмаларни шакллантириш ва мунтазам ривожлантириш учун дарс жараёнида бир қатор ўйин турларидан фойдаланиш мумкин. Маълумки, ўйинлар турларига кўра тавсифланади. Жумладан, мақсадига кўра, иштирокчиларининг сонига кўра, воқеликни ифодалаш характериغا кўра. Педагогикада имитацион, рамзий, тадқиқотчиликка асосланган ўйин турлари мавжуд. Ўқувчиларнинг ақлий меҳнат фаолиятларини ўйин фаолияти билан боғлаган ҳолда моделлаштириш ҳамда аниқ рамзлар ва қоидаларга асосланган жараённи шакллантириш ҳамда янги билимлар ва фаолият усуллари билан боғлиқ ҳолда лойиҳалаштириладиган фаолият тарзи ўйинларнинг асосий характерини белгилайди.

Мазкур йўналишда қуйидагилар аниқланган: 1) дарсликка бевосита таъсир кўрсатадиган интерактив ўйинлар; булар жумласига ребуслар, кроссвордлар, сканвордлар, чайнвордларни киритиш мумкин; 2) ўқувчиларга таъсир кўрсатадиган ўйинлар; булар жумласига ишчан, сюжетли-ролли ва имитацион ўйинларни киритиш мумкин; 3) интерактив характерга эга бўлмаган ўйинлар; ўйин характеридаги индивидуал топшириқлар шулар жумласидандир.

Мутахассислар ўйинларни ижро пайтидаги даражасига кўра таснифлашга ҳаракат қилган: 1) ролли ва сюжетли ўйинлар; 2) аниқ қоидаларга таянган, фойдали сюжетга эга бўлган ўйинлар; 3) сюжетсиз ўйинлар. Масалан, кроссвордлар, сконвордлар, чайнвордлар.

Умумий тарзда мутахассислар ўйинларни сюжетли, ролли, ишчан, имитацион ва драмалаштирилган ўйинларга ажратади (Г.К.Селевко).

Юқорида кўрсатиб ўтилган таснифларда шу нарса аён бўладики, ҳар бир таснифда муайян фикр мавжуд. Педагоглар томонидан ўйинлар ва уларнинг мазмун-моҳиятини белгиловчи ташқи қоидалар орасидаги фарқлар аниқ ажратиб кўрсатилган. Шу билан бирга, моделлаштирилган жараённинг ички мантиқига асосланган ўйинлар ҳам мавжуд. Бу ўйинлар ўзаро бир-биридан нафақат мақсади ва мазмуни билан фарқланади, балки ўқувчиларнинг интеллектуал ва ҳиссий соҳаларига таъсир кўрсатиши билан ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Лойиҳачилик ўйинлари дидактик имкониятлари билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Улар қуйидаги турларга бўлинади: 1) шаклан қайта қурилиш характеридаги ўйинлар, воқеликни намоиш қилиш, мавжуд ҳолатларни идрок этиш, муайян жамият талабларини ифодалашга кўмаклашади; 2) формал-лойиҳачилик характеридаги ўйинлар, мазкур ўйинлар жараёнида ўқувчилар ижтимоий воқеликка шахсий баҳо беради,

бунда улар билиш тажрибаларига таянади; 3) ноформал-лойихачилик ўйинлари, мазкур ўйинлар ўқувчиларнинг тасаввурлари ва фаолиятининг кенгайтиши учун кенг қўламли асос яратади, бунда улар аниқ воқелиқдан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Шу билан бирга, ретроспектив ўйинларни дидактик жиҳатдан кенгроқ тавсифлашга эҳтиёж мавжуд. Ўйинларни ролли ва ролсиз ўйинларга ажратиш мумкин (2-расм).



2-расм. Ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ўйинлар тузилмаси

Ўйинларни фарқлашда қуйидаги уч мезонга асосланиш лозим: а) ўқувчилар бажарадиган ролларнинг ўзига хос жиҳатлари; б) машғулотларда идрок этиладиган вазиятларнинг вужудга келиш шароити; в) ўйин жараёнида ўқувчиларнинг импровизацияси ва ўйиннинг мавжуд сценарийси.

Ўйинларнинг муҳим кўринишларидан бири ўқувчиларнинг фаолият алгоритмига асосланган ўйинлардир. Уларни аксарият педагоглар тренинг шаклидаги ўйинлар, деб ҳам атайди. Бундай ўйинлар сирасига: 1) стол устидаги ўйинлар, уларга шахмат-шашка, домино, лото, мўъжизалар майдончаси кабиларни киритиш мумкин; 2) алгоритмларга асосланган ўйинлар, булар сирасига ребуслар, кроссвордлар, бошқотирмалар, чайнвордлар кабилар киради; 3) тренинглар асосида воқеликни идрок этишга йўналтирилган сюжетли ўйинлар.

Мазкур ўйинлар дидакт мутахассислар томонидан муайян даражада таҳлил этилган бўлиб, тадқиқотимиз жараёнида уларнинг ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришдаги педагогик имкониятларини очишга эътибор қаратдик. Ўйинлар ёрдамида ўқувчиларни таълим чуқурлаштирилган синфларга танлаш имконияти ҳам мавжуд. Ўқувчиларга тақдим этиладиган ўйинлар қуйидагича гуруҳланиши мумкин: 1) 5-7-синф ўқувчилари билан ташкил этиладиган ўйинлар. 2) 7-9-синф ўқувчилари билан ташкил этиладиган ўйинлар. 3) Ўқувчиларнинг ўз лаёқатларини билишларига имкон берадиган ўйинлар.

Ўйинлар ўзига хос қўлам ва ўлчовга эга. Ўйинлар бир неча қисмлардан ташкил топади. Ҳар бир қисм ўйинларнинг мустақил компоненти бўлиб, бунда ҳар бир иштирокчи муайян ролни бажаради, ўйин мақсадидан келиб чиққан ҳолда ҳаракатланади. Ўйиннинг ҳар бир қисми ўзаро бир-биридан мазмуни ва сюжети билан фарқланади. Ўйиннинг муайян бир қисмида ҳар икки рақобатлашувчи жамоанинг менеджерлари мунозарага киришсалар, бошқа бир қисмида раҳбарлар ўз ходимларини тахминий ҳаракатларни амалга ошириш зарурлигига ишонтирадилар. Ҳар бир қисмдан кейин ҳар бир ўқувчи объектив ҳаётда муайян вазиятларга қандай ечим топиш лозимлигини билиб олади. ўқитувчи ҳар бир иштирокчини муайян тизим асосида баҳолайди ва ғолибни аниқлайди. Ўйинлар жараёнида ўқувчилар қандай кўникмаларни эгаллашлари лозимлигини аниқ белгилаб бериш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади: самарали рақобат ва ҳамкорлик; музокаралар олиб бориш; ишларни муваффақиятли амалга ошириш ва яқунлаш; зиддиятли вазиятларни бошқариш; босимлар вужудга келган вазиятларда ўз ҳис-туйғуларини назорат қилиш ва тартибга солиш; жамоа доирасида самарали ҳамкорлик муҳитини ўрнатиш каби кўникмаларни изчил эгаллаб борадилар. Бундай ўйинларда 5-9-синф ўқувчилари иштирок этиши мумкин. Ўйинларнинг давомийлиги 2 соатгача бўлиши мақсадга мувофиқ. Масалан, “Тадбиркор” деб номланган иш ўйини (ишчан ўйин). Бу ўйинлар бир неча: билишга асосланган, ўйин сюжетини тасвирловчи ва ташкилий босқичдан иборат бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби “Ўйинлар воситасида ўқувчиларда

дўстона муносабатлар ва ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизим самарадорлиги” деб номланиб, унда ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатлар ва ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методлари, ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатлар ва ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили берилган.

Тадқиқот давомида тажриба-синов ўзимиз танлаб олган тажриба-синов майдончаларида ўйинларни таълим амалиётига татбиқ этиш ва унинг ўқувчилар орасида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш имкониятларини синаб кўришга ҳаракат қилинди. Бу жараёнда ўйинларни янги мазмун билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим жараёнида ўйинларни татбиқ қилиш ўйин технологиялари билан бевосита боғлиқ. Маълумки, ўйин технологияларининг назарий-эмпирик асослари етарлича ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун ҳам, мазкур жараёнда қуйидаги вазифаларни ечиш алоҳида долзарблик касб этади: ўйинларни ташкил этишнинг инвариант технологияларини ишлаб чиқиш, таълим амалиётига татбиқ этиш, ўйинларни ташкил этиш жараёнида унинг параметрларига алоҳида эътибор қаратиш; ўйинларни турли кўринишларда ташкил этиш ва самарадорлик даражасини аниқлаш; ўқувчиларни ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиш, мулоқотга киришиш, ўқиш, ишчанлик сифатларини намоён қилишга хизмат қиладиган ўйинларни ишлаб чиқиш ва уларни тажриба-синовда синаб кўриш орқали самарадорлигини аниқлаш; ўйинларни ташкил этиш, амалиётга татбиқ қилиш, самарадорлигини аниқлашда ўқитувчи фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш кабилар.

Ўйинларни ташкил этишда бир қатор параметрларга таянишга ҳаракат қилинди. Булар ўйинларнинг номланиши, улардан фойдаланишдан кўзда тутиладиган мақсад, ўйинлар жараёнида фойдаланиладиган материаллар, воситалар, ўйинларни ташкил этиш учун зарур бўлган ашёлар, ўйин қоидалари кабилар. Буларнинг барчаси ўйин жараёни ҳақида ўқувчиларда умумий тасаввур қилиш имконини берди. Шу билан бирга, педагогик жиҳатдан муҳим бўлган дидактик имкониятларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу ўринда кўрсатма тариқасида: а) муайян мулоқот жараёнида; б) ҳамкорликни амалга оширишга йўналтирилган ҳолатларда; в) ўқувчиларнинг ижтимоий ҳамкорлик шакллари амалга оширишларига эътибор қаратдик. Ўйинларни ташкил этишда юқорида кўрсатилган параметрлар алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бундай ўйинлар асосан ўқувчиларни касбга йўллаш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш мақсадида ташкил этилди. Биз ҳамкорликни, биринчи навбатда, ўқувчилар орасида ишчан мулоқотни ташкил этиш асосида амалга оширишга интилдик. Ўйинлар жараёнида, аввало, ўқувчиларнинг ижтимоий ҳамкорлик ва мулоқот кўникмаларини эгаллашига эътибор қаратдик. Бунинг учун ишчан мулоқот асосида қурилган бир қатор ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш технологиясига мурожаат қилдик.

Мазкур технологиянинг бир қатор талабларга жавоб беришига эътибор қаратдик. Мазкур талаблар: 1) ўйин жараёнида мулоқот имкониятларини ҳисобга олиш; 2) ўйинлар ўқувчиларнинг дунёқарашини уйғунлаштирувчи ҳодиса эканига эътибор қаратиш; 3) ўйинларни тайёрлашда ўқитувчи фаолиятини ташкил этиш.

Ўйинларнинг мазмунида қуйидаги параметрларнинг ифодаланишига эътибор бердик: ўйиннинг дидактик имкониятларга эга бўлиши; ўқувчиларнинг касбий мулоқот кўникмаларини эгаллаганликлари; ўйинларнинг ўқувчиларга Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини сингдиришга йўналтирилганлиги; ўйинларнинг коммуникатив йўналганлиги; ўйинларнинг ижтимоий ҳамкорлик шаклини ифодалаши; ўйинларни ўтказиш қоидалари ва уларнинг дидактик жиҳатдан жиҳозланганлиги кабилар.

Ишчан мулоқот шакллари ва вужудга келтириш учун қуйидагиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди: 1) ўқувчиларнинг мўлжалланган мулоқотлари; 2) ҳамкорликнинг кўзда тутилган шакллари.

Айнан шулар ҳақида ҳам тўхталиб ўтишга ҳаракат қилдик. Ўқувчиларнинг мўлжалланган мулоқотлари сўровлар ва ахборотлар олиш тарзида амалга оширилди. Мулоқот шакллари ва педагогик аҳамияти шундан иборатки, бу ўқувчиларнинг муайян мақсадга йўналганликларини ифодалайди. Масалан: а) айтиладиган фикрнинг вужудга келиши; б) мулоқот жараёнида шериклар фаолиятини бошқариш; в) диалогнинг вужудга келишига асос яратиш; г) мулоқотнинг муайян вазиятларида нутқ воситаларидан фойдаланиш кўникмалари ва малакаларини вужудга келтириш; д) барқарор майлларнинг вужудга келишини таъминлаш; е) муаммоли вазиятларга мустақил ечим топиш имкониятига эга бўлиш кабилар.

Ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси яхлит тарзда алоҳида педагогик аҳамият касб этади. Жумладан: а) ўқувчиларда дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка киришиш кўникмаларини шакллантиришда ўйинларнинг беқиёс аҳамият касб этишини дидактик жиҳатдан асослаш; б) мулоқот шаклларига кўра ўйинларни табақалаштиришга асос яратиши; в) ўқитувчиларга ўйинларни ташкил этиш орқали ўқувчилар орасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик муҳитини вужудга келтиришга кўмаклашиш каби педагогик имкониятларга эга.

Биз тажриба-синов ишларини Бухоро шаҳри ва вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти ҳамда Тошкент шаҳридаги бир қатор умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синф тарих, она тили, иқтисодий билим асослари, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари билан амалга оширдик. Сўровларда жами 118 нафар ўқитувчилар ҳамда 1548 нафар ўқувчилар иштирок этдилар. Биринчи босқич якунида олинган жавоблар қуйидагича кўринишга эга бўлди.

Машғулотларда фойдаланилган ўйинларнинг самарадорлигини текшириш тажриба-синов ишларини икки босқичда ташкил этиш зарурлигини кўрсатди. Улар шакллантирувчи ва яқунловчи характердаги тажриба-синов ишлари. Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари давомида биз она тили, тарих, иқтисодий билим асослари, жисмоний тарбия фани ўқитувчиларнинг таълим

жараёнида ўйин технологияларидан фойдаланиш даражаларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бу жараёнда биз қуйидаги тадқиқот методларидан фойдаландик: анкета, савол-жавоб, суҳбат, кузатиш; ўқув жараёнларини таҳлил қилиш каби.

Ўқитувчилар учун мўлжалланган анкета саволларининг мазмун-моҳияти уларнинг ўйинга асосланган ўқув жараёнини қай даражада тасаввур қилишлари, бу соҳадаги билим, кўникма ва малакалари, уни ташкил этиш маҳоратларини аниқлашга қаратилганлиги билан ўзига хослик касб этди. Шу билан бир қаторда, мазкур саволлар ўқитувчиларда ўйинга асосланган таълим жараёнини ташкил этиш асосида ўқувчиларни дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик муҳитига олиб киришга мойиллик уйғотди. Ўқитувчиларнинг ўз фанларини ўқитиш жараёнида турли ўйинлардан фойдаланишлари, мазкур ўйинларнинг мазмуни ва ижтимоий шаклларини ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантирди.

